Биография

Собир Иброҳимов



Ўзбек тилшунослигипинг етук намояндаларидан бири филология фанлари доктори (1961), профессор (1965) С. Иброҳимовдир.

Собиржои Иброҳимов 1905 йил 21 декабрда Андижонда хизматчи-деҳҳон оиласида туғилган. Унинг ёшлик даври Андижон районидаги Сарой қишлоғида ўтади. С. Иброҳимовнинг отаси Иброҳим Ҳожи Тошмуҳаммад ўғли ўз замонасининг тараққийпарвар кишиларидан саналган: у олдин Қўқонда, кейин Бухорода таҳсил кўриб, хатмикарда бўлган, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганган, илми фароиз (математика), грамматика, тарих, табобат илмларидан юқори даража билим олган ва хаттотлик саньатини яхши эгаллаган зиёли эди. 1890 йилларда Андижон уездига карашли қишлоқ ва волость идораларида секретарь бўлиб ишлаган кезларида рус зиёлилари билан муносабатда бўлади, ҳатто рус ва немис тилларини ўрганишга киришади; бу тилларни бирмунча ўрганиб ҳам олади. С. Иброҳимов ўз отаси қўлида ўқиб савод чиқаради; сарой қишлоғида очилган янги усул мактабида ўқийди; 1916 йили отаси уни Андижондаги рус-тузем мактабига ўқишга беради. Ўқишдан ташқари вақтларида Эгамберди Ҳожи деган бир машинаси устада шогирд бўлиб ишлайди.

Октябрь социалистик революциясидан кейин Андижон уезд маориф шуъбаси бир тўда болаларни, шулар қаторида С. Иброҳимовни ҳам, Тошкентга ўқишга юборади. Тошкентда олдин Туркистон турк дорилмуаллиминда, сўнг наборшиклар тайёлаш курсида ўқиб, ҳарф терувчи бўлади. Кейинчалик Тошкент музофот техникумида ўқийди. 1922 йилнинг ёзида Андижонга ҳайтиб бориб, революцион комитетда секретарлик, қишлоқ мактабларида муаллимлик қилади. 1924 йилда «Қўшчилар қўмитаси» га раисликка ва камбағалларга ёрдам комитетининг раиси муовинлигига сайланади, Олтинкўлдаги батрак, чоракор, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни «Қўшчилар союзи»га уюштиради.

С. Иброҳимов ер ислоҳотидан сўнг Андижон уезд-шаҳар маориф бўлимига секретарликка ўтади, шаҳар мактабларида ва саводсизликни битириш курсларида дарс беради.

Биография



Ўша даврларда ўзбек адабий тили қурилиши юзасидан қизғин ишлар олиб борилар, Андижонга маориф комиссарлиги ва унинг қошидаги илмий шўро томонидан проф. Е. Д. Поливанов, проф. Ғози Олим, А. Алавий ва бошқалар тил материаллари тўплаш учун тез-тез экспедицияга бориб турардилар. Бу олимларни маҳалла ва қишлоқларга олиб бориш учун Собиржон ака уларга бириктирилар эди. Собиржон ака бу олимларнинг маҳаллий аҳоли билан турли мавзуларда ўтказган суҳбатларини қизиқиш билан тинглар, қандай нарсалар қайд этилишига зўр эътибор берар эди.

Проф. Е. Д. Поливанов ва проф. Ғози Олимлар экспедициядан қайтиб кетаётиб, баъзи топшириқлар бериб кетар эди. Собиржон ака уларнинг топшириқларига мувофиқ маҳаллий халқ тилидаги терминларни ва этнографик маълумотларни тўплаб, юбориб тура бошлади.

Собиржон акадаги бу қизиқишни сезган проф. Е. Д. Поливанов ва проф. Ғози Олимлар унга Олтинкўлдаги Сарой қишлоқ шевасининг фонетик ва баъзи морфологик хусусиятларини ўрганишни тавсия қилишади. Бўлажак олим тўплаган материаллари асосида ўзининг биринчи илмий иши — «Сарой қишлоқ шевасининг фонетикавий тузилиши» номли мақоласини эълон қилади.

1928 йили С. Иброҳимов Самарқандда Олий мактабларга талабалар тайёрлов курсини битириб, Педагогика академияси» да ўқий бошлайди, аммо оилавий сабаб билан «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга ўтишга мажбур бўлади. 1929 йили Самарқандда бўлиб ўтган I тил-имло конференциясида қатнашади. Ўша йили Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети уни газета редакциясидан чақириб олиб, Ўзбекистон Давлат нашриётига адабий редакторлик ишига юборади. С. Иброҳимов 1929 йил сентябридан эътиборан олдин Ўздавнашрда, сўнг Ўзпартнашрда адабий редакторлар группасининг бошлиғи ва адабий редактор бўлиб ишлайди.

Биография

У тил, имло ва термин масалалари мавзуларида газета ва журналларда мақолалар эълон қила бошлайди. 1932 йили М. Раҳмон ва А. Хўжахоновлар билан бирга биринчи «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати» ни нашр эттиради. Бу луғат 1933—36 йилларда кенгайтирилган ҳолда қайта нашр бўлади.

1934— 37 йилларда Марказий янги алифбе ва терминология комитетида тил ва имло бўлимининг мудири бўлиб ишлайди. ЎзФАН Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига айлангач, С. Иброҳимов дастлаб Тарих ва археология институтининг Улуғ Ватан уруши тарихини ўрганиш бўлимида, олдин илмий ходим, кейин бўлим мудири вазифасида хизмат этади. Сўнг 1946 йили августида А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтига ўтиб, унда катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлайди.



1930—50 йиллар мобайнида турли курсларда ва институтларда тил ва адабиётдан, 1962 йилдан 1965 йилгача ТошДУ филология факультетида ўзбек тилшунослигидан дарс берди; Фарғона ва Андижон Давлат педагогика институтларида ўзбек тилшунослигидан махсус курс ўқиб келди.

С. Иброҳимов 1929—56 йиллар мобайнида ўзбек ёзувларини ислоҳ этишда, ўзбек орфографияси, терминологияси ва диалектологиясини ишлашда, лексикографияни ривожлантиришда актив қатнашди. Ўзбек классик адабиёти асарларини чуқур ўрганди ва 1939—41 йилларда Алишер Навоий асарлари юзасидан мукаммал изоҳли луғат тузувчи бригаданинг ишларини бошқарди, I ўзбек поэзиясининг антологиясини тузиш ва таҳрир этишда қатнашди. Шу билан бир қаторда, ўзбек фольклори бойлигини тўплаш ва нашр эттиришда ҳам актив иштирок этди.

Собиржон Иброҳимов ўзбек халқ тили бойлигини тўплашга алоҳида аҳамият беради. У, айниқса, халқ орасида асрлар бўйи давом этиб келган қўл ҳунари саноати ва қишлоқ хўжалигига оид турли-туман касб-ҳунар терминлари билан қизиқади. Бу соҳа билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожини йиллар давомида кузатиб боради, тегишли термин ва ибораларни тўплайди, тартибга солади, уларнинг луғатларини тузади, лишвистик томондан текшириб, тараққиёт қонуниятларини аниқлайди.

Биография



С. Иброҳимов 1950 йили Ленинградда СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида «Фарғона ипакчилари лексикасини текширишдан бир тажриба» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилади. Сўнг Тил ва адабиёт институти луғат секторига мудирлик вазифасига тайин этилади. Бунда у бир томлик ва 5 томлик русча-ўзбекча луғатларни тузиш ишларини ташкил этади ва таҳрир қилиш ишларида актив қатна- шади.

Собиржон Иброҳимовиинг марказий газеталарда жуда кўп мақолалари босилиб чиққан. Улардан ташқари, китоб тариқасида босилган ишлари 30 дан ортади, 30 дан ортиқ мақоласи журналларда босилган. «Фарғона шеваларииииг қасб-ҳунар лексикаси» номли катта монографиясининг I китоби 1956 йили, II китоби 1959 йили нашр эттирилган.

Муаллиф мазкур тадқиқотида диалектология, лексикография, тил тарихи ва этнография фанлари учун ниҳоят муҳим бўлган илмий материаллар берган. Бу ишда Фарғона шеваларидаги дегрезлик ва рихтагарлик ҳамда металлсозлик тармоқларига оид бой терминлар атрофлича таҳлил этилади; изоҳларда айни термин ифода этган буюмнинг нимадан ясалиши, шакли, тузилиши, ҳажм-ўлчови, функцияси ва қўшимча номлари, бу буюмларнинг ишланадиган жойлари, талаффуздаги диалектал фарқлари аниқ кўрсатилади.

С. Иброҳимов ўзбек тили касб-ҳунар лексикаси соҳасида олиб борган тадқиқотларини якунлаб, 1961 йили «Ўзбек тилининг касб-ҳунар лексикаси» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

1965 йилнинг 1 январида А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти.ҳузурида ўзбек тилининг нутқ маданияти сектори тузилди. Проф. С. Иброҳимов ҳозиргача шу секторнинг мудири лавозимида ишлаган. У айни пайтда Ўзбек Совет Энциклопедияси редколлегиясининг ва ЎзСЭ Бош редак- цияси ҳузуридаги Илмий советнинг аъзоси, тилшунослик редакцияси Илмий советининг раиси ҳамдир. Собиржон ака ЎзСЭ ни тузиш ишларида актив иштирок этган, унга этнография, амалий санъат ва касб-ҳунар лексикаларига оид мақолалари билан ҳозир ҳам қатнашиб келмоқда.

Профессор С. Иброҳимов Тил ва адабиёт институти луғат секторида тузилаётган ўзбек тили изоҳли луғатини тузувчи ва таҳрир этувчилардан ҳам биридир.

С. Иброҳимов «Билим» жамиятининг кекса аъзоси сифатида кенг жамоатчилик орасида илмий ва сиёсий билим тарқатиш ишларида ҳамда ўзбек ёшлари орасидан тилшунос илмий кадрлар етиштиришда актив қатнашган.

Республиканинг сиёсий-иқтисодий ва илмий ҳаёти тараққиётига қўшган сермаҳсул хизматлари туфайли С. Иброҳимов бир неча бор Ҳукуматнинг олий мукофотларини олишга муяссар бўлган. У Республика маориф системасидаги самарали меҳнатлари, «Маориф ва ўқитғувчи», «Совет мактаби» журналларидаги актив иштироки туфайли «Халқ маорифи аълочиси» белгиси билан ҳам мукофотланган.

Асарлари:

1929

Сарой қишлоқ шевасининг фонетикавий тузилиши. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 4-сон, Тошкеит.

1931

Ўзбек тили терминологияси масаласига доир. «Қурилиш» журнали, 2-сон, Тошкент.

Китобларнинг техник таҳрири бўйича қўлланма, УзГИЗ, Тошкент.

1932

Ўзбек тилининг қисқача имло луғати. (Ҳамкор), Тошкент.

Китобларни адабий таҳрир қилиш принциплари ҳақида. Тошкент.

Ўзбек тили изоҳли луғатига материаллар. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 6-сон, Тошкент.

1933

Ўзбек тил изоҳли луғатига материаллар. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 1-сон (мазкур мақоланинг давоми), Тошкент.

1934

Орфография съезди якунлари ҳақида. «Политехника мактаби ва маориф» журнали, 2-сон (ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек тилининг имло луғати. УзГИЗ, Тошкент.

Ўзбек орфографиясида унлилар функцияси ҳакида. Уз ГИЗ, Тошкент.

Пахтачилик терминларидан қисқача изоҳли луғат (халқ терминлари асосида), Тошкент.

1935

Ўзбек тилининг имло луғати. (Ҳамкор), Тошкент.

1936

Қисқача имло луғати. Тошкент.

1937

Ўзбек тилида «Ь» ва «х» ҳарфлари имлоси. Тошкент.

Ўзбек тилида «ф» ва «п» ҳарфлари имлоси. Тошкенг.

Ўзбек тилида «э» ва «а» ҳарфлари имлоси. Тошкент.

«Апостроф», «айн» ва «ҳамза»нинг ёзилиши. Тошкент.

Аравасозлик ва абзалсозлик халқ терминлари. Тошкент.

Жугансозлик халқ терминлари. Тошкент.

1939

Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитининг қиёсий-орфографик луғати проекти. Тошкент.

Ўзбек тилининг синонимлар луғати (ўқувчилар учун). «Политехника мактаби ва маориф» журнали, 7- сон (бу мақола 1940 йилда шу журналнинг 1-сонида ҳам босилган), Тошкент.

Ўзбек тилининг имло луғати. (Ҳамкор), Тошкент.

Навоий афоризмлари. (Ҳамкор), Тошкент.

Асарлари:

1948
Ўзбек поэзиясининг антологияси. (Ҳамкор), Тошкент.
Навоий «Хамса»си (босмага гайёрлаш — коллектив). Тошкент.

1949
Ўзбек тилидаги баъзи қийин сўзларнинг ёзилиши. Тошкент.

1950
Ипакчилик халқ терминларини ўрганиш масалаларига доир. «Тил ва адабиёт институти асарлари», Тошкент.
Опыт исследования лексики шелководов Ферганской долины. Изд. ЛГУ, Ленинград.

1952
Тил ҳақидаги И. В. Сталин таълимоти асосида ўзбек халқ терминларини ўрганиш масалаларига доир. «Совет мактаби» журнали, 2-сон (бу мақоланинг давоми 1953 йилда шу журналнинг 5-сонида босилган), Тошкент.

1953
Тил ҳақида умумий маълумот. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.
Ўзбек орфографияси қоидалари (проект), ҳамкорликда (бу қоидалар 1955 йилгача қайта-қайта тузатилиб, беш марта нашр этилган), Тошкент.
Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. (Ҳамкор), Тошкент

1954
Бир томлик русча-ўзбекча луғат (ч ҳарфи). Москва.

1955
Ўзбек тили касб-ҳунар лексикалари юзасидан кузатишлар. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.

1956
Узбек адабий тилининг орфографик луғати. (Ҳамкор), Тошкент.
Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. I, Тошкент.

1957
Ўзбек тилининг Бешкент шевалари юзасидан кузатишлар. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, Тошкент.

1958
Ўзбек халқ мақоллари (коллектив). Тошкент.

1959
Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, 11—III, Тошкент.

1960
Ўзбек тилининг қисқача орфографик луғати. (Ҳамкор), Тошкент.
Бош ҳарфларнинг ёзилиши. Тошкент.

Асарлари:

Айрим олмошларнинг эволюцияси Масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.
Ўзбек халқ мақоллари (2-нашри).

1961

Касб-ҳунар лексикаларининг адабий тил лексикаси билан муносабати ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.
Исм ва фамилияларнинг ёзилиши ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 7- сон, Тошкент.
Миришкор шевасига доир қўшимча материаллар. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.